

МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК КУН ТАРТИБИНИ ИЛГАРИ СУРИШДА БМТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий маркази раҳбари лавозимидаги миссиясини якунлаётган Наталья Германни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда конструктив мулоқот ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масаларида БМТнинг Минтақавий маркази ва бошқа тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилинаётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Кейинги бир неча йилда мамлакатимиз ташаббуси билан ва бутун халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда Бош ассамблеянинг минтақадаги шерикликнинг энг долзарб йўналишлари юзасидан тўртта резолюцияси қабул қилинди.

Марказнинг бевосита иштирокида Ўзбекистонда бир қатор йирик халқаро форум ва учрашувлар биргаликда ташкил этилди. Бундан ташқари, Марказий Осиё етакчи аёлларининг мулоқоти ва Ёшлар учун превентив дипломатия академияси платформалари ишга туширилди.

Наталья Герман Ўзбекистон Президентига минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш, амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилган муҳим ташаббуслари учун чуқур миннатдорлик билдирди.

БМТнинг юқори даражали вакили ўзининг янги — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг Терроризмга қарши курашиш кўмитаси Ижроия тузилмаси раҳбари лавозимида Ўзбекистон билан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни

таъминлаш борасидаги яқин ҳамкорлик бундан буён ҳам давом этишига кўмаклашишини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЭЛУ ЮРТ БИЛАН ҲАМДАРД ЯШАГАН ДОИМО ЭЛДА АЗИЗ

КАСБИЙ ҒУРУР, ПРОФЕССИОНАЛ МАҲОРАТ ВА ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ — СУВ ХЎЖАЛИГИДАГИ МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИЖРО ИНТИЗОМИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Сув ҳайвонот ва наботот олами, бутун инсониятга берилган энг улкан неъматдир. У — ҳаёт, тириклик манбаи. Улуғ ва мўътабар китобларимизда ҳам, даҳо ижодкорларимиз асарларида ҳам сувнинг яратувчанлик хусусиятлари, осмондан тушаётган ёмғирнинг ерга жон бағишлаши, обиҳаёт қатрасини исроф этиш ҳам гуноҳ эканлиги ҳақида кўп ва ҳўб битилган. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonида шундай сатрлар бор: *Ариққа кўйдилар “Наҳр ул-ҳаёт” исм, Фалакваш ҳавзага “Баҳр ун-нажот” исм.*

Шоир бу билан Фарҳод минг машаққатлар ила сув келтирган ариқ ва ҳовуз эл-юртга ҳаёт ва нажот бағишлаганини эътироф этган. Навоий бобомиз нафақат ўз асарларида сувга юксак эътибор қаратган, шу билан бирга, вазир бўлган даврида Ҳиротда ободончилик

ишларига бош бўлиб янги ариқ ва каналлар ҳам қаздирган. Обиҳаёт ва сув келтирганлар қадри ўша замонларда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундан қам эмас. Зеро, улар йил бўйи бободехонларимизга елкадош бўлиб, беминнат сув етказиб беради,

пахта, ғалла, мева-сабзавот, умуман, барча экинлардан олинаётган ҳосилга, яратилаётган улкан хирмонларга, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигига катта ҳисса қўшмоқда.

Давоми 4-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ



ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

ТАҚДИРИМИЗ, ИСТИҚБОЛИМИЗ, ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗ ҚУДРАТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ВОҚЕЛИК

Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт дастурлари, ривожланиш стратегияси бўлади. Қайсики давлат ўз ривожланиш, бошқарувни такомиллаштириш, инсон манфаатлари, унинг бахтли, саодатли турмуш тарзини таъминлаш дастурига эга бўлмаса, узоқ келажакка қаратилган стратегик режалари ишлаб чиқилмаса, кўзланган натижага эриша олмайди.

Давоми 3-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

НУРОНИЙЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА

БУЮК ХАЛҚИМИЗ КУЧ-ҚУДРАТИ БИЛАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Кексалик масалалари билан шуғулланадиган геронтология фалсафа, мантик, социология, психология ва тиббиёт фанлари билан уйғунликда ривожланган энг қадимий предметлардан биридир. Маъно-моҳиятига кўра, геронтология — инсоният тенгдоши.

Давоми 5-бетда

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

унда билдирилган асосли фикр ва таклифлар ҳаётда ўз аксини топади

Шу кунларда 2023 йилнинг муҳим, концептуал ҳужжати 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги Президент фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик эътибор марказида бўлиб турибди.

Жамоатчилик муҳокамасидаги мазкур ҳужжат еттига устувор йўналиш ва 309 банддан иборат бўлиб, ҳаётимиз фаровонлиги йўлидаги мақсадларимизни жорий йилда амалга ошириш учун йўналтирилган. Ҳужжат лойиҳаси Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўнланган Мурожаатномасида акс этган асосий ғоя ва таклифлар, Тараққиёт

стратегиясида белгиланган устувор вазифа ва мақсадлар асосида ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, унинг ўзига хос хусусияти шундаки, “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ўтган йил октябрь-ноябрь ойларида 2023 йилги давлат дастури лойиҳаси учун қатор таклифлар қабул қилиниб, вазирлик ва идораларга тақдим қилинди.

Давоми 2-бетда

СЕНАТОР БАХТИЁР САЙФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудодликка учради. Таниқли маданият арбоби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев 2023 йил 14 февраль кунин 72 ёшида вафот этди.



Б.Сайфуллаев 1951 йил 1 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. Урта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни драма театри ва кино актёри мутахассислиги бўйича таълим олди. Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Республика ёш томошабинлар театри актёри ҳамда режиссёри сифатида бошлади. Кейинчалик Тошкент маданият институти катта ўқитувчиси, факультет декани ўринбосари, факультет декани вазифаларида меҳнат қилди. Номзодлик ишини ҳимоя қилгач, Тошкент давлат маданият институтида педагогик фаолиятини давом эттирди.

Ўз фаолияти мобайнида Б.Сайфуллаев республика миқёсида оммавий маданий тadbирларни ташкил этиш бўйича моҳир режиссёр сифатида танилди. 2005-2020 йилларда маданият вазирининг биринчи ўринбосари, маданият вазири каби масъул лавозимларда самарали фаолият юритиб, мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, соҳадаги кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, миллий маданият ва санъатимиз ривожини янги босқичга кўтаришда жонбошлик кўрсатиб меҳнат қилди.

Профессор Б.Сайфуллаев 2012-2020 йилларда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори

вазифаларида хизмат қилиб, мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўлди. Б.Сайфуллаев 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси лавозимини ишлаб, мамлакатимизда маданият ва ёшлар сиёсатини амалга ошириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш, ушбу йўналишларга оид ҳуқуқий базани мустаҳкамлашда ўзининг бой билим ва тажрибасини намоён этди.

Б.Сайфуллаевнинг ўзбек маданияти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони, "Меҳнат шўхрати" ордени ҳамда "Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби" унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли маданият арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин ва самимий инсон Б.Сайфуллаевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, О. НАЗАРБЕКОВ, М. ЙЎЛЧИЕВА

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИХАСИ — МУҲОКАМАДА

ИСЛОХОТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

унда билдирилган асосли фикр ва таклифлар ҳаётда ўз аксини топади

Анваржон МИРКОМИЛОВ, "Тараққиёт стратегияси" маркази бўлим бошлиғи

Бошланғич 1-бетада

Билдирилган концептуал таклифлар эълон қилган лойиҳада ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу каби муҳим, концептуал аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиб, халқ назаридан ўтказиб, ечилиши зарур бўлган масалаларни аниқлаб олиш амалиёти ижобий анъанага айланди. Зеро, бу ишлар Президентимизнинг ҳар бир ишда "Халқ билан мулоқот" тамойили асосида очкиқлик, шаффофлик борасида амалга ошираётган ислохоти натижаси, десак асло муболага бўлмайди. Бугунги кунда ҳар бир юрдошимиз ўзининг тақдири, ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳужжатга бевосита эмин-эркин шахсий муносабатини баён қилиши имконияти яратилди. Таклифлар жорий йил 17 февралга қадар "Тараққиёт стратегияси" марказининг махсус 2023.strategy.uz, davlatdasturi.uz ёки ҳукуматнинг regulation.gov.uz порталлари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги @dscuzbekistan ва @YangiTaraqqiyotStrategiyasi телеграм каналлари орқали қабул қилинади. Юрдошларимиз билдирган ҳар бир таклиф марказ ходимлари ва экспертлари томонидан йўналишлар ва соҳалар кесимида бирма-бир синчиқлаб ўрганилади ва концептуал аҳамиятга эга бўлган таклифлар дастурда ўз ифодасини топиши учун тегишли давлат бошқаруви органи, вазирлик ва идораларга тақдим этилади.

- 309 банддан иборат давлат дастури лойиҳасининг тақдими қўйилганда:
 - инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш йўналиши — 22 банд;
 - мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш йўналиши — 18 банд;
 - миллий иқтисодийни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш йўналиши — 113 банд;
 - адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналиши — 82 банд;
 - маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш йўналиши — 21 банд;
 - миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда

умумбашарий муаммоларга ёндашиш йўналиши — 30 банд;

— мамлакатимиз ҳавфсизлиги ва муҳофаза салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш йўналиши — 23 банд.

Шунингдек, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Дастур лойиҳасига кўра, мазкур йўналишда бу йил қатор вазифаларни амалга ошириш белгиланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида илҳом ва самарали давлат бошқаруви тизимига ўтиш таклифи билдирилган эди. Бунда маъмурий ислохотларнинг биринчи босқичида вазирлик ва идоралар сонини 61 тадан 28 тага камайтириш зарурлиги, "қўл бошқаруви"дан воз кечиб, аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш ташаббуси илҳом қилдирилди.

Ҳужжат лойиҳасида мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида давлат бошқарувини трансформация қилиш, вазирлик ва идораларнинг такрорланганидан 168 вазифа ва 301 функциясини мақбуллаштириш, 40 дан ортиқ идораларор қоллиги органни мақбуллаштириш вазифаси белгиланмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳада Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг иккинчи босқичи доирасида ҳудудлардаги бошқаруви тизимини ислохот қилиш, унда маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органлари фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда, фаолиятини такомиллаштириш ва ташкилий тузилмасини мақбуллаштириш, бўйсунув тизимини қайта қўриб чиқиш бўйича қатор вазифаларни амалга ошириш қайд этилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Ушбу йўналишга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши назарда тутилган. Хусусан, "Адли органлари тўғрисида"ги, "Ҳуқуқий эксперимент асослари тўғрисида"ги, "Кексаларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Қолаверса, лойиҳада, маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрнини ошириш, унинг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги имкониятларини кенгайтириш борасида қатор янгиликлар мавжуд. Жумладан, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 2023 йилга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқиш, 2 минг 327 маҳалла учун хизмат биноларини қуриш, жиҳозлаш, замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Маҳаллаларда "Тadbиркорлар кенгаши"ни, "Рақамли — маҳалла" марказини ташкил этиш ҳамда "Ижтимоий маҳалла" ахборот тизимини жорий этиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланмоқда.

Ўтган йили давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида "Давлат фуқаролик хизматчиси тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва одоб-ахлоқ қоидалари каби масалаларнинг батафсил қонуний асоси ишлаб чиқилди.

Жорий йилда давлат фуқаролик хизматини замонавий стандартлар асосида рақамлаштириш мақсадида "Давлат хизматчиси" мобил дастурини жорий этиш мақсад қилинган. Ҳужжат лойиҳасида давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларига истиқболли ва салоҳиятли бошқарув кадрларни саралаш ва тайёрлаш бўйича "100 нафар энг илгор етакчи" дастурини йўлга қўйиш, бунда кадрларни махсус ўқув дастури асосида Давлат бошқаруви академиясида ўқитиш ҳамда хорижга стажировкага юбориши назарда тутилган. Ҳужжат лойиҳасида давлат фуқаролик хизматини ишлаб чиқиш қисмидаги маҳалла рақамлаштириш мақсадида "Давлат хизматчиси" мобил дастурини жорий этиш мақсад қилинган. Ҳужжат лойиҳасида давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларига истиқболли ва салоҳиятли бошқарув кадрларни саралаш ва тайёрлаш бўйича "100 нафар энг илгор етакчи" дастурини йўлга қўйиш, бунда кадрларни махсус ўқув дастури асосида Давлат бошқаруви академиясида ўқитиш ҳамда хорижга стажировкага юбориши назарда тутилган. Ҳужжат лойиҳасида давлат фуқаролик хизматини ишлаб чиқиш қисмидаги маҳалла рақамлаштириш мақсадида "Давлат хизматчиси" мобил дастурини жорий этиш мақсад қилинган.

Ўтган йиллар мобайнида жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш ўринли бўлади. Давлат дастури лойиҳасида таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида ҳам қатор янгиликлар мавжудлигини кўриш мумкин. Айнан, лойиҳанинг 22-бандида давлат органлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши замонавий шакллари жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиши назарда тутилган. Бунда "Маҳалла назорати" ва "Маҳалла раиси сўрови" институтларини жорий қилиш, давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар бериш, давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитиш, мониторинги, экспертизасини ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш тартибларини жорий этиш назарда тутилган.

Умуман, ҳужжат лойиҳаси "Инсон қадри учун" тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми эканини кўришимиз мумкин.

"Тараққиёт стратегияси" маркази жамоаси барча юрдошларимизни 2023 йилги давлат дастури лойиҳасини муҳокамасида фаол иштирок этиб, ўз таклифларини билдиришини сўраб қолади. Аҳолимиз томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар давлат дастури янада такомиллаштириш, пухта, мукамал ҳужжатга айланишида муҳим аҳамият касб этади.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

КўНГИЛЛАРДАН МАНЗИЛЛАРГА КўЧАЎТТАН ОБОДЛИК

Акбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Давлатимиз раҳбари топшириғига, асосан, ўтган йилнинг сўнги ойларида ташкил этилган хатлов жараёнида Қамаш тумани аҳолисининг тўлиқ ижтимоий-иқтисодий аҳоли, одамларни қийнаб келаётган мавжуд камчиликлар, ечимини қўйиб ётган муаммолар ўрганилиб, вазирлик ва идоралар мутасаддилари томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилганди. Айни кунларда эса Оққўрғон тажрибаси асосида Қамашда кенг қўламли ишлар бошлаб юборилган.

Халқ билан мулоқот тизимининг ўзи хос янги механизми бўлган Оққўрғон тажрибаси сайёр қабулларни маҳаллалардан хонадонларга олиб киришда, тизимли масалаларга ечим топишда янги босқич вазифасини ўтаётди, дея бемалол айтиш мумкин.

Қамаш туманида иш олиб бораётган Республика ишчи гуруҳининг асосий мақсади Халқ қабулхоналари, секторлар ва маҳалла институтларининг уйғун фаолиятини янада жадаллаштириш, ҳар бир масала энг бирламчи нуқтада ҳал қилинадиган янги тизимни йўлга қўйишдан иборат. Жумладан, тумандаги ички йўллар таъмирланиб, электр тизимидаги камчиликлар бартараф этилаётди. Худудлар обод қилиниб, дарактлар экиляпти. Аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўриляпти.

"Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғинида беш мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бир неча йиллардан буён қишлоқдаги мактабга қатнов йўлини таъмирлаш чораси кўрилмаётган эди. Айнан ишчи гуруҳнинг ташрифи доирасида мактаб олдидаги уч километрга яқин кўчага тўлиқ шағал ётқизилди. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари иштрокида аҳоли кенг қамровли тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ногоҳон қишлоғида истиқомат қилувчи олти ёшли Норбобо Турдалиев анча вақтдан бери қон босими ошиб, саломатлигини ўзгартириш бўлаётганини

сезса-да, иложсиз эди. Сабаби, турмуш ташвишларидан ортиб, шифохонада даволанишга анчагина маблағ керак бўлади, деб хаёл қиларди. Аммо шу кунни худудда ўтказилган шифокорлар кўриғи сабаб муаммо осонгина ҳал этилди.

— Бир неча йиллардан бери соғлигимда муаммо бор эди, — дейди отахон. — Лекин бирор жойга бориб, шифокорга кўришиб келишга имкониятим етмасди. Бугун қишлоғимизда дўхтирлар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказётганини эшитибок етиб келдим. Барака топишсин, обдон текширишиб, юрак қон-томир касаллиги бўйича вилоят шифохонасида даволанишимга белул йўлланма беришиди. Инсон қадри том маънода эътиборда эканлигидан мамнунман.



“ОҚҚўРҒОН ТАЖРИБАСИ БУГУН ҚАМАШИДА ўЗ НАТИЖАСИНИ БЕРАЎТТАНИНИ АНГЛАШ ҚИЙИН ЭМАС. БУНИНГ САМАРАСИ ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА НАМОЎН БўЛМОҚДА. АСОСИЙ ОДАМЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ, ФИКРИ ўЗГАРИБ, РОЗИЛИГИ ОРТМОҚДА. ҚАДРИ ЮКСАЛИБ, ФАРОВОНЛИК КўНГИЛЛАРНИ ОБОД ЭТМОҚДА. АСЛИДА АСОСИЙ МАҚСАД ҲАМ ШУ ЭМАСМИ?!”

Дарҳақиқат, ишчи гуруҳнинг ҳар бир хонадонга кириб ўрганишлар олиб бориши вазирлик ва идора ходимларини янада кўпроқ халққа яқинлаштирмоқда. Уларнинг нафақат дардини тинглаш учун, балки ҳар бир ҳолатни ўз кўзлари билан кўришга, гувоҳи бўлишга, шундан хулоса чиқаришга имкон бермоқда.

— Авваллари туман миқёсида бирор-бир мактаб ёки коллеж биносиде қабуллар ўтказилиб, қисқа фурсатларда одамларнинг фикрига қўлоқ тутилган эди, — дейди Тинчлик маҳалласи фаоли Жўра Баратов. — Бундай пайтда бирор эшитиб, бирор эшитмай қоларди. Кимнингдир боришга имкони бўлмай қолса, яна бошқалари хабар топиб боргунча мутасаддилар кетиб қоларди. Хуллас, дардимиз ичимизда, қолаверардик. Мана, эндиликда давлатимиз раҳбари-



нинг топшириғи асосида мутасаддиларнинг ўзи оилаларга бориб, уларнинг дардига қўлоқ тутияпти. Одамларнинг яшаш шароити, турмуш тарзи билан яқиндан танишмоқда. Лой кўчаларда юриб, ҳолатни ўзлари ҳис қилмоқда. Натيجида иш сезиларли даражада олдинга силжиб, ҳаракатлар бошлаб юборилмоқда.

Жумладан, бугун аллақачон ўз мударатини ўтаб бўлган симёғочлар янгигоша алмаштирилди. Кўчаларимизга шағал ётқизилиб, текисланяпти. Бу жараёнда маҳалла аҳолисини ҳам қараб тургани йўқ. Ҳар ким кучи етганча ҳашарда иштирок этмоқда. Тadbиркорларимиз ҳомийлигида қўшимча ободончилик ишлари бошлаб юборилди. Дарактлар экилиб, ариқлар тозаланмоқда. Фаровонликка барча бирдек бош қўшмоқда.

Тўртта сектор асосида ташкил этилаётган Оққўрғон тажрибаси ўз натижасини кўрсатаётгани худудлардаги одамларнинг ҳар бир сўзида такрор айтилмоқда. Бугунгача туманининг Самарқанд, Тинчлик, Фишти, Чангақ, Сарбозор каби маҳаллаларида бир қатор ўзгаришлар, ободлик ишлари олиб борилган бўлса, ўрганишлар натижасида аниқланган йўналишлар бўйича муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

— Хатлов жараёнидаёқ аҳоли билан яқиндан мулоқотлар олиб борилиб, мурожаатлар йўналишларга ажратиб чиқилганди, — дейди ишчи гуруҳига вилоят ҳокимлигиндан бириктирилган масъул Алишер Зокиров. — Бунда аҳоли, асосан, йўл қурилиши, симёғочларнинг янгиланиши борасида мурожаат қилган бўлса, шахсий масалада тиббий ёрдам, бандлиқни таъминлаш борасида кўмак

сўрашган. Шундан сўнг, биз тегишлича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ҳар бир соҳага оид мурожаатларни ўз йўналишлари бўйича мутасаддиларга тақдим этдик. Бугунги кунда эса шу асосида ишлаб чиқилган режага биноан тегишлича ўрганишлар олиб борилиб, мурожаатлар жойида ҳал қилиняпти.

— Қишлоғимизга сўлтирилган газ доимий равишда баллонларда олиб келинади, — дейди қамашлик Шоира опа Расулова. — Очиғи, оилавий шароитимиздаги етишимовчилик боис, газ баллон олишга қурбим етмасди. Газдан фойдаланаётган қўшниларни кўриб, қани энди бизда ҳам бўлса, деб ҳавас қилганмиз. Уйимизга тўрт-беш киши келиб, ўзларини Республика ишчи гуруҳи аъзолари эканлигини, аҳолининг ижтимоий аҳолисини ўрганиб юришганини айтиб қолишди. Бизни ҳам сўраб келишгани, ҳолимиз билан қизиқишгани кўнглимни тоғдек кўтарилди.

Бундай ҳолатларни телеравизорда кўриб, "фақатгина номига бўлса керак, биз билан кимнинг иши бор" деб ўйлаб юрардим. Хонадонимизга келиб, яқиндан суҳбат ўтказганда бутунлай фикрим ўзгарди, ишонч пайдо бўлди. Яшашга бўлган ҳавасим орди. Биз чекка қишлоқда яшасак-да, лекин шунчалик эътибор ва ғамхўрликка гувоҳ бўлиб кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Оққўрғон тажрибаси бугун Қамашда ўз натижасини бераётганини англаш қийин эмас. Бунинг самараси ҳар бир маҳаллада намоён бўлмоқда. Асосийси, одамларнинг яшаш тарзи, фикри ўзгариб, розилиги ортмоқда. Қадри юксалиб, фаровонлик кўнглиларни обод этмоқда. Аслида, асосий мақсад ҳам шу эмасми?!

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

ТАҚДИРИМИЗ, ИСТИҚБОЛИМИЗ, ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗ ҚУДРАТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ВОҚЕЛИК



Оқил САЛИМОВ, академик

Бошланғич 1-бета

Бу жиҳатлар, айниқса, бугунги кунимизда ғоят муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки давлатлараро ва минтақалараро манфаатлар тўқнашуви авж олган, инсониятнинг барқарор тараққиётига таҳдид кўчайган бир шароитда ҳар қандай давлат замон талаблари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда стратегик мақсадга эга бўлмоғи лозим. Бу борада Янги Ўзбекистон ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ўз тараққиёт стратегиясига эғалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Стратегик ривожланиш қанчалик муҳимлигини бугун барчамиз яхши англаётдик. Негаки, ўтган беш йиллик таърибига буни яққол намоян этди. Узоқни кўзлаб амалга оширилган халқчил ислохотларни ҳар биримиз ўз ҳаётимизда сеза бошладик.

Бу йўлда эришган ҳақиқатларимиз ҳам кўп бўлди. **Биринчи ҳақиқат шунки, давлат халқ манфаатлари учун хизмат қила бошлади.** Шу тариқа узоқ йиллар бор томон манфаати кўзлаб келинган тамойиллар ўзгарди кетди. Янги Ўзбекистон ислохотлари одамлар ҳаётини фаровонлаштириш учун йўналтирилди. Бу **иккинчи ҳақиқатни — фуқаролар ўз фикрини, орзу-умидлари, мақсад ва режаларини очқ аййтиш имконини** рўёбга чиқарди. Пировардида, эркин ривожланиш ҳодисаси содир бўлди. Эркин ривожланиш, деганда биз конституциявий ҳуқуқларимиздан тўлиқ фойдаланаётганимиз, қонунчилик сиёсатида фуқаролар иштироки таъминланганини, давлат бошқарувида очик-ойдинлик йўли танлангани, ҳар бир ислохот аввалида оддий одамлар фикри эшитилаётгани ва улар инноватта олинаётганини тушунамиз, албатта.

Учинчи ҳақиқат маънавий юксалиш йўли танланганида акс этди. Зеро, маънавий юксалиш сари интилган халқ иродасини ҳеч бир куч синдира олмаслиги тарихий исботини топган ҳақиқатдир. Шу маънода, юртимизда янги маънавий муҳит пайдо бўлдики, у биз кўзлаган мақсадга муддаоларга эришишнинг ишончли йўли сифатида буй курсатмоқда.

Хуллас, кейинги йилларда топган ва эришган ҳақиқатларимиз ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Шу каби унлаб ҳақиқатлар силсиласида жамланган ягона мақсад бор: у ҳақда бугун алоҳида фикр юритишни хоиз билдик.

Агар эътибор берсак, ривожланиш йўлига чиқиб олган, тараққиётга жуда катта эҳтиёж сезаётган, мақсади одамлар дунёқараши ва онгда туб бурилиш ясаш бўлган Ўзбекистонда мамлакатда тараққиёт стратегияси заруратга айланди.

Ҳар шун ҳақда борар экан, Президентимиз таъбири билан айтганда, **Янги Ўзбекистон орзуси амалиётга, реал воқеаликка айланаётганига қайта ва қайта ишонч ҳосил қиламиз.** Дарвоқе, орамизда ҳали ишонч ҳақиқати ҳам бор. Ишонч, бу — мўъжиза. Шу ўринда Сингапурни “учинчи дунё”дан “биринчи дунё”га олиб чиққан XX аср иккинчи ярмининг буюк сиёсий арбоби Ли Куан Юнинг бир гапи ёдга тушади. **“Агар Сингапур эришган муваффақиятини бир сўз билан таърифлашим лозим бўлганда, бу сўзи “Ишонч” деган бўлардим”,** дейди у. Бу ҳақиқат бизни халқимиз орзу қилган янги жамиятни барпо этиш сари илҳомлантириб туради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий етакчи сифатидаги ноёб фазилати ана шу ерда кўзга яққол ташланади. **Унда ўта қатъиятлик, талабчанлик, ҳар бир соҳа ва йўналишни бутун кўламадан тортиб икчикиригача чуқур ўрганиб, уларни ривожлантириш орқали ялпи жамият тараққиётини таъминлаш мақсади устуворлик қилади. У бевосита**

аҳолининг кундалик турмуши, эҳтиёжлари, ташвиш ва изтиробларидан келиб чиқиб, уларнинг ҳаёт фаровонлигини таъминлашни назарда тутиб, ялпи Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқди.

Дарҳақиқат, сиёсатда қатъий интизом, юксак талабчанлик, бошлаган ишни охиригача етказиш муҳим фазилат ҳисобланади. Ҳар бир вазифа, лавозим эгаси ўз мажбуриятини тўлақонли, юксак талаблар даражасида бажарса, умумий тараққиёт тўла таъминланади. Қарда бошбошдоқлик, ҳўжакўрсинлик, ваъдабозлик бўлса, бошқарувга ёлғон аралашса, ўша ерда парокандалик юзага келади, ривожланиш тўхтабди, одамларда ишонч камабди.

Давлатимиз раҳбари ана шу масалага алоҳида эътибор беради, жойларда юради. Вилоят ва туманларда, шаҳар ва қишлоқларда оддий одамлар яшайдиган хонадонларга кириб боради. Бундай тасодифий ташриф Президент учун зарурий эҳтиёж. Унинг иш услуби, муаммоларнинг ечимини топиш усули, халқ қалбига ва руҳиятига яқинлашиш истиғи замонвий давлат раҳбарининг юксак фазилатига айланади.

Айтиш мумкинки, Амир Темуր салтанати жаҳон давлатчилигининг рамзига айланган эди. Бундай юксак бошқарув механизми, шаклланган ва самарали давлат тизимини ҳозиргача дунё кўраги ний, Буни машҳур араб олими Ибн Халдун ҳам алоҳида таъкидлаган. Амир Темури ўзининг тузуқларида **“Салтанатнинг бир фоизини қилич билан, тўқсон тўққиз фоизини машварат билан бошқардим”**, деган.

Ҳозирги замон цивилизацияси ва жаҳон давлатчилиги таърибаси нуктаи назардан Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳақида гап борганида, Соҳибқироннинг юқоридаги доғишмандона гаплари беихтиёр эсга тушади. Айни ўшандай бошқарув шакли Янги Ўзбекистонда жорий этилаётганига гувоҳ бўламиз.

Масалан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳар йили Ўзбекистон парламентига Мурожаатномаси ва тез-тез йиғилишлар ўтказиб турган турмура на машваратнинг замонвий



ақлий салоҳияти, тафаккур кенгликлари билан замонвий цивилизация шароитида ҳам ўзининг юксак маънавий-ахлоқий, маърифий-маданий имкониятларини намоян қилмоқда. Бу — **биринчидан, Янги Ўзбекистон даври ўзининг бутун кўлами, мазмуни ва моҳияти билан бутунлай янги типдаги ҳаёт, назарий-фундаментал ва амалий жиҳатдан янгилашган давлатчилик асосларининг юзага келиши, бошқарув тизимида очиклик муҳити пайдо бўлиши ва унинг реал воқеаликка айлиши билан боғлиқ.**

Учинчидан, бутунлай янги тафаккурдаги инсоннинг шаклланиши, ҳаётга муносабатларининг жиддий равишда ўзгариши, эркин ва оод фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистонда очик жамият қуриш ва давлат бошқарувини

ақлийн моҳияти хатти-ҳаракатда биланади”, деган эди.

Дарҳақиқат, инсоннинг кадр қиммати, инсонийлик даражасини белгилайдиган ягона ва бирдан-бир ўлчов ақлдор. Ақлнинг эса ранги, ҳажми, оғирлиги, кенглиги ё торлиги йўқ. Уни ўлчайдиган мезон инсоннинг хатти-ҳаракатида. Бизнинг ҳар биримиз ўз феъл-атворимиз доирасида, атрофдагиларга муносабатимиз, хатти-ҳаракатларимиз, мақсад-интилошларимиз орқали ақлимизнинг қай даражадалигини намоян этамиз.

Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида инсон кадрини юксалтириш орқали эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, халқпарвар давлат барпо этиш гоёси илгари сурилган экан, энг аввало, инсон ўзини ўзи қадриятга айлантириш орқали ялпи жамият қадриятини жиҳатларини тақомиллаштиришни тақозо этади.

Давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ. Яқка тартибдаги ҳар бир инсоннинг ўзини ўзи қадрият даражасига олиб чиқиши, ақлий салоҳиятини ривожлантириши, ўзини ўзи англаши, бошқариши, зугуликлар сари йўналтириши, иллатларини камайтириб, фазилатларини кўпайтиришга интилиши орқали қудратли давлатни барпо этиш имконияти туғилади. Бу эса ялпи жамиятда барчаннинг умумийлиги ҳамжиҳатлик, умумийлиги сафарбарлик фазилатларига таянади.

Тараққиёт стратегиясида Президент Шавкат Мирзиёев адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва муҳим шартига айлантиришни зарурат деб билади. Маълумки, инсоният тарихида одамлар ҳамма адолатга эҳтиёж сезган, унга интилиб яшаган. Бироқ адолатсизлик ҳамма мавжуд бўлган, чунки адолат тамойилларини бузадиган, натижада инсон ҳақ ҳуқуқларининг поймол бўлишига олиб

“

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ҲАР БИР ФУҚАРО ТАҚДИРИ, БУГУНГИ ИСТИҚБОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН, ДАВЛАТ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ҚУДРАТИ ҲАМДА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН СИЁСИЙ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНДИ. УНИ БУТУН ЖАМИЯТ ВА, ҲАТТО, ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ҲАМ ТўЛА ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА.

ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш, мустақил ва одил суд тизимини вужудга келтириш масалаларини долзарб қилиб кўтармоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат ҳақида гап борар экан, Амир Темури яна бир бор мурожаат қилишимизга тўғри келмоқда. **“Мамлакатимнинг бу бурчагидан нариги бурчагигача бир успириш бола бир лаган тилгани бошига кўйиб пйёда ўтиб кетса биров қўл чўзмайдиган салтанат қурдим”**, дейди бобомиз. Мана сизга инсон ҳуқуқлари тўла қафолатланган, ижтимоий адолат ҳукмрон бўлган, қонун устуворлиги аниқ кўзга ташланадиган жамият. У пайтда қонунчилик, парламент деган тушунчалар йўқ эди. Лекин инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат таъминланган. Президентимиз худди ана шундай қудратли давлат, кучли ижтимоий адолат қоралар топган жамият қурмоқчи.

Давлатимиз раҳбарининг бошқарув тамойилида адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Айтиш мумкинки, ҳозирги жаҳон цивилизациявий шароитида давлатларнинг қудрати кучли ижтимоий сиёсати билан ҳам ўлчанади.

Фуқароларнинг фаровон турмуш тарзини ташкил этиш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш тизимини бутун чоралар билан ривожлантириш, соғлом

Узлуксиз таълимнинг барча бўғинларини тубдан ислоҳ қилиш жараёни давом этмоқда. Янги Ўзбекистоннинг бутунлай янги мазмунидаги фуқароларини шакллантириш бевосита мактабгача таълим муассасаларидан бошланади. Мурғаккина фарзандларимизнинг маънавий-руҳий ва жисмоний соғлом ўсиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларимизнинг 60 фоиздан кўпроги болалар болчаларига жалб этилмоқда. Бу кейинги беш йилда шу соҳада амалга оширилган энг катта ютуқларимиздан ҳисобланади.

Умумтаълим мактабларида ишлаётган ўқитувчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлиги кескин оширилди. Ўқитувчининг обрўсини, шаънини оширишда давлатнинг ўзи раҳнамолик қилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ўқитувчи, мураббий, муаллим сўзларининг нақадар улғурворлигини, муътабарлигини, жамики тараққиётимизнинг асосида ўқитувчи туришини алоҳида таъкидламоқда.

Миллий фанимиз тараққиёти, албатта, ялпи ривожланишнинг муҳим омилли ҳисобланади. Бу борада олий таълим сифати ва самарадорлигини юксалтириш, илмий-таъдқиқот институтларида фундаментал кашфиётларни, илмий янгиликларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш имкониятлари кенгаймоқда.

Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида алоҳида ўрин тутди. Дарҳақиқат, маънавий ҳар қандай тараққиётнинг сарчасмаси. Маънавият — олам ва одам халоскори. Маънавий сиёсат, ахлоқсизлик кўчайган пайтда инсон ўз моҳиятини йўқотди. Одам шаклидаги бошқа жонзотга айланади. Унинг ягона ва бирдан-бир қадрияти маънавиятда намоян бўлади.

Инсониятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида, ахлоқсизлик хуруж қилаётган бир пайтда Ўзбекистон ва унинг халқини буюк мақсадларга, порлоқ келажакка даъват этаётган қудратли куч маънавият бўлиб қолди.

Давлат эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида маънавий янгиликларга ҳомийлик қилмоқда. Баркамол инсон тарбияси, Ўзбекистоннинг янги, кучли, қудратли янги фуқаросини вужудга келтириш чора-тадбирлари қурилмоқда. Ялпи маърифатли жамият қуриш гоёси илгари сурилмоқда.

Бу, бир томондан, миллий хавфсизлигимиз асоси бўлса, иккинчи томондан, тараққиётимиз пойдеворидир. Қолаверса, кўп миллатли халқимизни ўзаро бағрикенглик, ҳамжиҳатлик муҳитида бир мақсад сари интилиш йўлида маънавий-руҳий озиқлантириб турадиган ҳаётбахш гождир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳар бир фуқаро тақдирини, бугунги истиқболни билан боғлиқ бўлган, давлат ички ва ташқи сиёсатининг қудрати ҳамда самарадорлигини таъминлайдиган сиёсий воқеаликка айланади. Уни бутун жамият ва, ҳатто, жаҳон ҳам-жамияти ҳам тўла эътироф этмоқда.



келадиган иллатларни ҳам инсоннинг ўзи яратди.

Инсон мавжудот сифатида ҳаммаиша ўзига ўзи муаммо яратиб, шу муаммолар гирдобига яшайдиган жонзот ҳисобланади. Ана шундай шароитда жамиятда адолат устуворлигини таъминлайдиган ягона мезон қонунчилик ҳисобланади. Қонунлари мукаммал бўлган ва ушбу қонунлар тўла қувват билан ишлайдиган жамиятда табиий равишда адолат ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари бу масалада бот-бот гапирди. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини тўла қафолатлаш, қонунчилигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, қонун

эркинлаштириш борасида бутунлай янгича тамойил — халқчиллик ва ошқоралик асосидаги давлат бошқаруви тамойили жорий этилди. Президент билан фуқаро, давлат билан жамият ўртасидаги “хитой девори” олиб ташланди. Одамлар тўғридан-тўғри давлат идоралари ва раҳбарлари билан мулоқот қилиш, ўз фикр ва мулоҳазаларини тўғридан-тўғри билдириш имкониятига эга бўлди. Натижада юрдошларимиз кайфияти ўзгарди, тафаккури янгиланди, мақсадлар ва интилошлари реал асосларга эга бўлди. Муаммоларни ҳал этишда умумий сафарбарлик, ялпи ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва хурмат қилиш каби соф инсоний фазилатлар чуқурлашди. Фақат шунгина эмас, ушбу фазилатлар миллий қадриятга айланди. Жамиятда ялпи барқарорлик, фикрий ва ҳиссий ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва хурмат қилиш тамойили қарор топди.

Бир қарашда биз ҳаммамиз ҳам олдинги, фуқаролик паспорти маълумотларига қараганда ўша-ўша одамларимиз. Лекин ақлий салоҳият, интеллектуал имконият, онгимиз ва тафаккуримиздаги ўзгаришлар, орзулар ва мақсадларимиздаги зугулик туғилари ҳар биримизнинг бутунлай янги типдаги фуқарога айланганимиздан далолат беради. Бу давлатимизнинг энг катта ютуғи, дейишимиз мумкин.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳақида гап борар экан, энг аввало, ана шу тарихий ва ижтимоий ҳодисага айланаётган стратегик мақсаднинг асослари, илдишлари, унинг моҳияти ва кўлами хусусида фикр юритишга тўғри келади. Зотан, миллат ва давлат тақдирини, унинг буюк яратувчилик қудратини ўзида ифода этган, ғоят маҳаббатли стратегик мақсад тасодифан дунёга келган эмас. Жумладан, бир неча цивилизациявий ҳодисаларга гувоҳ бўлган, инсоният ҳаётига маданият олиб кирган, жаҳон тараққиётига мисли кўрилмаган ҳисса қўшган ўзбек халқининг тарихий тараққиёт босқичлари, унинг динамикаси, эволюцияси муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Давлатчилик тарихи жаҳон давлатчилиги ибтидоси билан тендош бўлган Туронзамин халқлари ўзининг буюк яратувчилик, бунёдкорлик имконияти,



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЭЛУ ЮРТ БИЛАН ҲАМДАРД ЯШАГАН ДОИМО ЭЛДА АЗИЗ

КАСБИЙ ҒУРУР, ПРОФЕССИОНАЛ МАҲОРАТ ВА ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ — СУВ ҲЎЖАЛИГИДАГИ МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИЖРО ИНТИЗОМИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



**Рустам ҚАРШИЕВ,
сув ҳўжалиги вазири
ўринбосари**

Бошланғич 1-бетда

Давлатимиз раҳбари шу боисдан ҳам сувдан самарали фойдаланиш, исроф қилинишининг олдини олишга ҳар доим алоҳида эътибор қаратиб келади. Жумладан, халқимизни тараққиётга етакловчи муҳим дастур ҳисобланган Мурожаатномада ҳам ушбу йўналишга доир қатор устувор вазифалар белгиланган. Ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш, сув ҳўжалиқларида электр энергияси истеъмолини камайтириш, соҳа объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш кабилар шулар жумласидан.

Мурожаатномадан келиб чиқиб, барча мироблар ушбу соҳа халқимиз учун ниҳоятда муҳим эканини, шу билан бирга, юксак ишонч ва масъулиятни, ўз вазифасини сидқидилдан, ҳалол ва виждонан бажариши зарурлигини ҳис этди, десак муболага бўлмайд.

Сўнги 15 йилда ёгингарчилик микро-ори 25 фоизга қисқарди. Ёзда жазирама кунлар давомийлиги ортгани хали катта синовлар борлигидан далолат беради. Лекин ҳозирги вақтда экин майдонлари ҳали сув етказиб беришда сезиларли йўқотишлар бор. Шу боис, сув ҳўжалиги тизими ислоҳ қилинади.

Давлатимиз раҳбари сувнинг ҳисобини очиқ-ёшқор яритиш тизимини жорий этиш ва келгуси уч йилда 13 мингга яқин сув ҳўжалиги объектини рақамлаштириш вазифасини қўйди. Шу билан бирга, 16 йиллик насос станциясини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва муқобил энергияга ўтказиш, буларга қўшимча равишда сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисмини туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлаштиришга йўналтириш зарурлиги белгилаб берилди.

Юксак эътиборни ҳис этган, савобли меҳнатлари билан элда эъзоз топаётган сувчиларнинг бугун том маънода дунёқароши ўзгарган, масъулияти ошган. Улар Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг натижадорлиги аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилганини, бунга эришиш эса қабул қилинган ҳужжатлар, қарорларни ижро этиш бўйича интизомнинг қатъийлигига боғлиқлигини яқин англайди.

Мамлакатимиздаги маъмурий ислохотларнинг навбатдаги босқичи фақатгина давлат бошқаруви тизимини

ичкамлаштириш ва мақбуллаштиришдан иборат эмас, энг устувор мақсад халққа хизмат қилиш, аҳоли розилигига эришиш, кўйи тизимга тушиб, одамлар билан ишлаш, улар билан мулоқот қилиш, муаммоларига ечим топишдир. Шу маънода, сув ҳўжалигидаги маъмурий

мустаҳкамлаш, энг сара мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, суғориш мавсумида масалаларни оқилона ечиши орқали ўзини кўрсатганларнинг лавозимда ўсишини йўлга қўйиш орқали ходимлар фаолиятига мотивация бериш лозим.



ислохотлар негизи қўйи бўғиндаги тизимни мустаҳкамлашга қаратилган. Хусусан, энг қўйи бўғин ҳисобланган туман ирригация бўлимида таркибдаги сув ҳўжалигининг махсус хизматлари билан истеъмолчилар муносабатларини тақомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсад қилиб қўйилган.

Утган йили амалга оширилган ислохотлар натижасида Сув ҳўжалиги вазирилик мамлакатимизда сувни манбадан то далагача етказиб бериш бўйича маъсۇл орган қилиб белгиланиши сувни самарали бошқариш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлиқ яритишга замин яратди.

Ислохотларни изчил давом эттирган ҳолда "вазир — мироб — фермер" занжири амалда самарали ишлашига эришиш ва сув ресурсларини бошқаришдаги бюрократик тўсиқларни тўлиқ бартараф этиш зарур. Истеъмолчининг мурожаати, унинг сув билан боғлиқ муаммоси қўйи тизимда ҳал этилмай-диган бўлса, ўрта ва юқори бўғин муаммони тезкорлик билан биргаликда ҳал этиш механизмининг йўлга қўйиши керак.

Содда тилда айтганда, тизим яқин ишласа, истеъмолчиға сувни вақтида етказиб берса, ҳисоб-китоб дафтарларини тўғри юритса, тақсимотда доим адолат билан иш тутса, ана шунда халқ сувчилардан рози бўлади. Бунинг учун сув ҳўжалигининг махсус хизматларини ёш, фидойи, билимли, ташаббускор ва интилувчан кадрлар билан

мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация тадбирлари, инвестиция ва техник кўмак маблағларини жалб қилиш йўналишларидир.

Ҳар бир йўналиш замирида залварли рақамлар турибди. Мисол учун, давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг йўналишида умумий қиймати 1,24 триллион сўм бўлган 52 лойиҳа амалга оширилди, 1 минг 920 километр канал, 19 минг 154 километр коллектор-дренаж тармоқлари, 66 насос станцияси ва 108 вертикал суғориш қудуқ агрокластерлар бошқарувиға берилди.

Электр энергияси харажатларини тежаш вазирилик олдидаги муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб, эскирган насос ва электродвигателларни энергиятежамкор бўлган янгисига алмаштириш ҳар йили босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, 2017 йилда электр энергияси сарфи 8,3 миллиард килловат соатни ташкил этган бўлса, охириги беш йилда электр энергиясининг йиллик сарфини қарийб 1,5 миллиард килловат соатга камайтиришга эришилди ва 2022 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 6,8 миллиард килловат соатга тенг бўлди.

Олдинги йилларда бошланган ишлар давом эттирилган ҳолда, жорий йилда 174 насос ва 234 электродвигател янгиланди, 97 конденсатор қурилмаси ва 147 частота ўзгартирувчи қурилма ўрнатилди, 18 минг 350 метр эскирган кабеллар янгиланди.

Шу билан бирга, бу йил муқобил энергия манбаларидан кенг қўламда фойдаланишга киришилди. Йил охиригача 300 килловат соат қувватли 47 кўш электр панели ҳамда 16 минг 350 литр ҳажмли 132 кўш сув иситиш қурилмаси ўрнатилди. Натижада 121,9 миллион килловат соат электр энергияси иқтисод қилиниб, 97,5 миллиард сўм давлат бюджети маблағи тежалди ҳамда у сув ҳўжалиги объектларини рақамлаштиришга йўналтирилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган майдонлар салкам бир миллион гектарга етказилди. Шундан



томчилатиб 398 минг гектар, ёмғирлатиб 31 минг, дискрет усулда суғориш 16 минг гектарни ташкил этади.

2023 йилда 260 минг гектарда томчилатиб, 25 минг гектарда ёмғирлатиб, 15 минг гектарда дискрет усулда суғориш технологиясини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Ушбу технологияларни ишлатиш орқали 1,9 миллиард куб метр сув, 100 минг тонна минерал ўғит, 13 минг тонна ёқилғи мойлаш материаллари иқтисод қилинади. Ўз навбатида, ҳосилдорлик ўртача 15-20 центнерга оширилиб, 300 минг гектар майдонда тақорорий экинларни суғориш имконияти яратилди.

Халқро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай мамлакат ташаббускор, интизомли, шижоатли ва ислохотларга дахлдорлик туйғуси билан меҳнат қиладиган, масъулиятни теран ҳис қила оладиган кадрлар билан тараққиётга эришади. Кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишида "Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислар институти" Миллий тадқиқот университети билан ҳамкорликда тизим ташкилотларидаги кафедра филиаллари фаолиятини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳар йили 500 нафардан ортиқ ёш мутахассислар вазирилик тизимига ишга қабул қилинапти. Уларга яратилган шaroитлар тахлил қилиб борилади ва кадрларнинг "Олтин захираси" яратилади. Шу тариха 2023 йил якунигача соҳадаги ёш раҳбарлар салмоғи 30 фоизга етказилди.

Бугунги кунда республикамиздаги барча давлат органлари ва ташкилотлари каби Сув ҳўжалиги вазирилик ҳам Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилмаётган маъмурий ислохотлар ва ижро этувчи органлар трансформацияси жараёнларининг фаол иштирокчиси айланган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 февралдаги "Қўнуччилик ҳўжатларни ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳўқимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони муҳим аҳамиятга эга. Негаки, ислохотларнинг самарадорлиги ҳам кўзланган мақсадларга эришиш ҳар бир ташкилотда мустаҳкам ижро интизоми йўлга қўйилганига узвий боғлиқ.

Сўнги беш йилда сув ҳўжалигини ривожлантириш бўйича 100 дан ортиқ норматив-ҳўқуқий ҳўжат, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1 та қонуни, Президентимизнинг 5 та фармони, 20 та қарори ҳамда 1 та фармойиши, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 60 дан ортиқ қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Соҳа ривожига сувчи мутахассисларга дастуруламал бўлаётган энг асосий ҳўжатлар, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси, десак муболага эмас.

Мазкур йўналишда "lrg.gov.uz" тизими орқали электрон ҳўжат алмашинуви вазирилик ва унинг ҳудудий ташкилотларида ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ҳўжатлар ва топшириқлар ижро этилиши ўз вақтида назорат қилиб боришмоқда. Хусусан, 2022 йилда "lrg.gov.uz" тизимига киритилган 557 ҳўжат ижроси ўз вақтида таъминланди. Ушбу даврда вазирилик марказий аппаратиға жами 10 минг 503 ҳўжат, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслардан 2 минг 702 ариза ва мурожаат келиб тушган бўлиб, барчаси белгиланган тартибда назоратга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳўқуматнинг ҳўжатларида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича 28 та назорат ва ҳарақатлар режаси, 32 та "Йўл харитаси" ва чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Сув келтирган элда азиз. Аҳоли сувчиларнинг меҳнатига ариқлардан оқиб турган зилол сува қараб, даласидан олаётган ҳосил қўғидан келиб чиқиб, дастурхондаги ноз-неъматнинг тўқислиги ва сифатини ҳисобга олиб, ўзининг ҳаққоний баҳосини беради.

Шу ўринда Ҳоразм вилояти Тошсоқа тизимидagi магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш лойиҳасини ҳаётий мисол сифатида келтириш ўринли. Йлгари Амударёдан очилган сув Тошсоқа тизими орқали Шовот туманиға уч кунда, Янгибозор туманиға эса беш кунда зўрға етиб борган. Каналлар бетонлаштирилганидан сўнг сув 10 соатда етиб борадиган бўлди ва катта ҳажмдаги обихаёт йўқотилишиға барҳам берилди. Бунинг қадрини, қилинган ишларнинг аҳамиятини ўша каналлардан сув оладиган фермерлар, ҳудуд аҳолиси ўз ҳаёти мисолида яқин сезапти. Олдинги аҳвол билан ҳозирни таққослаб, бу каби ҳаётбахш, инсонлар оғирини енгли, турмушини фаровон қилишға қаратилган ислохотлар ташаббускорини дуо қилаётган.

Имом Мотуридий бобомизнинг "Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳаммаша сен билан бирга бўлғай", деган пурмаъно ҳикмати бор. Соҳадаги маъмурий ислохотларнинг мақсад-муддоси ҳам шундай: сувчилар элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшаса, астойдил хизмат қилса, халқ ичида доим азиз бўлади.

"ЯШИЛ МАКОН"

БИРНИ КЕССАНГ, ЎННИ ЭК

Яхши ният билан кўчат экиш, боғ яратиш ота-боболаримиздан келаётган яхши удум, миллий қадрият. Дунё миқёсидаги глобал муаммоға айланган бораётган айни пайтдаги экологик ҳалокат вазиятида ерга ниҳол қадаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётганини бугун даврнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида эзгу аънана — "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари яна бошлаб юборилди.

Амударё туманида ушбу лойиҳа асосида ўтган йил баҳорда 744,3 минг туп, кузда эса 448 875 туп меваги ва манзарали кўчат экилган эди. Лойиҳада тумандаги барча корхона ва ташкилотлар, фуқаролар йиғинлари, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, фермер ҳўжалиқлари фаол катнашди.

Туман ҳудудиға Қорақалпоғистон иқлим шароитиға мос келувчи дарахт кўчатлари танлаб экилмоқда. Кўчатлар, асосан, шу ердаги давлат ўрмон ҳўжалиги иссиқхонасида етиштирилипти. Туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан ҳам махсус иссиқхоналарда 10 000 туп терак қаламчиси парвариш қилиниб, жорий йил баҳор

мавсуми учун тайёрланмоқда, — дейди туман экология бўлими инспектори Ғайрат Искандаров. — Лойиҳа доирасида меваги ва манзарали дарахт кўчатлари экилиши ва ҳисоботини юритиш бўйича махсус штаб ташкил этилиб, экилган барча кўчатлар "Яшил макон" платформасиға киритилиб боришмоқда. Ҳозир атмосфера, асосан, автотранспорт воситалари, турли ишлаб чиқариш корхоналари чиқараётган чикинди газлардан ифлосланмоқда. Биз атмосферани тазалайдиган табиий имкониятлардан кенг фойдаланишимиз лозим. Бута ва дарахтлар кислород ишлаб чиқарувчи энг қўлай ва зарарсиз восита. Шундай экан, кўчат экиб, боғ яратишға, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришға ҳар биримиз имкони борича ҳисса қўшишимиз шарт.



2023 йилнинг кўчат экиш мавсумини қорақалпоғистонликлар ўзгача кўтаринки руҳда бошлади. Мазкур тадбирда барча идора ва ташкилотлар, муассаса ходимлари, талаба ва ўқувчи-ёшлар, нуруний отахон ва онахонлар фаол иштирок этмоқда.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб мамлакат миқёсида йилига 200 миллион туп дарахт ва бута

кўчати экиш белгиланган. Бундай кенг қўламли ташаббус натижасида аҳоли масканларидаги яшил майдонлар ҳудуди 8 фоиздан 30 фоизга етади. Бу эса халқимиз учун мусаффо, тоза ҳаво ҳудудларини янада кенгайтириш имконини беради.

Амударё туманида ҳам барча ташкилот, муассаса ва корхоналар томонидан ҳудудларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кўчат экиш

ишлари ҳамжиҳатлик билан олиб борилади. Ушбу тадбирда хотин-қизларимиз ҳам фаол иштирок этди, — дейди туман хотин-қизлар бўлими раиси Ғузэл Сабурова. — Тумандаги овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар фаоллари, шунингдек, "Оқила аёллар" жамоатчилик тузилмаси аъзолари иштирокида 87-умумтаълим мактаби ҳудудидаги "Оналар боғи"да турли ниҳоллар экилди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг аҳамиятини ўсиб келаётган ёш авлод онгига синдириш, улар қалбида она табиятга чекиз меҳр, ўзи яшаб турган ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилашда масъулият ҳиссини уйғотишиға ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Азал-азалдан ота-боболаримиз яқин ниятлар билан кўчат экиб, фарзандлари камолини шу кўчатларнинг униб-ўсиши билан боғлаган. Неча минг йиллик ушбу қадриятларимиз бугунги кунда — иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар шароитида ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Бу умуммиллий тадбир ана шу қадриятларимиз давом этаётганининг, табиат, келгуси авлодлар олдидаги бурчини ҳис қилишдек инсоний фазилатнинг амалдаги ифодасидир.

Агар ҳар бир фуқаро, овул ва маҳалла аҳли, ҳар бир корхона, муассаса, давлат ва нодавлат ташкилот ходими ушбу эзгу ишға ҳисса қўсса, юртимизда яшил ҳудудлар майдони кенгайиб, экологик ҳолат янада яхшиланади.

Аждодларимиз азалдан "Бирни кесанг, ўрни эк" дея табиатни асрашға, яратувчиликка даъват этиб келган. Ҳар қандай эзгу ишда тарбиянинг ўрни алоҳида. Шундай экан, дарахт экишини савобини, иқлим ўзгариши ва экологик фалокатларнинг олдини олишдаги аҳамиятини ёшларға, аҳолиға тушунтириб бориш зарур.

— Сайёҳ сифатида Мўйноқ туманиға келган эдим. Яшил ҳудудлар майдонини кенгайтиришға ҳисса қўшаётганларни кўриб, рости қараб тура олмадим. Мен ҳам дарахт экишни ният қилдим, — дейди Москва давлат университети ўқитувчиси Елена Деликанова. — Ҳақиқатан ҳам, яшил ўрмонлар, дарахтзорлар ташкил этилиши Оролнинг қуриши оқибатида минтақада юзага келган оғир экологик муаммоларни юмшатишда, атроф-муҳит мусоффолигини сақлашда муҳим ўрин тутайди.

"Яхшидан боғ қолади", деган ибора бежиз айтилмаган. Келгуси авлодлар сўлим боғлар, гўзал табиат ва мусаффо осмон учун биздан миннатдор бўлиши керак.

**МИНАЖАТДИН
ҚУТЛИМУРАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири**



yuz.uznews

yuz_official

Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз бу — бунёдкор халқимиз, дуоғўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми?.. Ёш авлодимизни ана шундай баркамол, эл-юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда биз муҳтарам нуронийларимизга таянамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

BUGUNNING GAPI

Қарим НОРМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси профессори, тарих фанлари доктори

Бошланғич 1-бетада

Бу мавзуга бағишланган рисоаларнинг энг биринчиларидан Марк Тулий Цицероннинг "Катта Катон кексалик ҳақида" ва Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" ёки "Тиббиёт ҳақида дoston" ёхуд Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарларини санаб ўтиш мумкин. Бу асарларни асрлар ажратиб турса-да, геронтология муаммоларига бағишланган махсус ва илк тадқиқотлар бўлгани учун ҳам улар уйғундир. Ибн Синонинг тиббий тавсиялари узоқ яшаш тилсимларига асослангани боис, шифокорларга ҳозир ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ибн Сино нуронийлар жисмидаги ўзгаришлар сабаби мижозларга боғлиқ эканини таъкидлаб, уни 3 турга ажратган. Айрим нуронийлар тўладан келган, оқ рангли, сочлари малла бўлса, совуқмижоз бўлади. Бел ва оёқлари оғрийд. Қаригани сари совуқликка мойил бўлиб қолади. Шунинг учун ҳар хил хасталиқларга чалиниб туради. Иссиқ мижозлилар қариганида совуқликка мойил бўлиб борса-да, хасталиқларга камроқ чалинади, чунки улар қорачадан келган, сочлари қорча, озгин бўлади. Думижозлилар ҳар икки мижоз ўртасидагилар. Хасталиқлар ҳам ҳар иккала мижоз ўртасидагидек, уларнинг бугдойранг сочлари ўртача рангда бўлади!

Дарвоқе, "Соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери ваъжирлашимиз. Лекин Соғлиқни сақлаш ваъжирлиги буни ҳали жой-жайга қўй олмаяпти. Соғлом овқатланиш гигиена рақсонига доир тавсиялар одамларга етказилмаяпти, турли ешдаги кишилар учун жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқ. Аслида, инсон саломатлиги, тиббиётининг замани ҳам шулар-ку! Шу боис, "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи" янги умумийлиқ ҳаракатини маҳалладан бошлаймиз. Бу ҳаракатда ёш қари — барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак".

Президентимиз Мурожаатномада айтилган бу гаплар. Менимча,

геронтология фани учун ҳам давлатимиз раҳбарининг ушбу даъват-турткиси айна муддао бўлиб, унинг ривожланишига йўл очилди.

Дунёда нуроний-кексалар сони тез ўсмоқда. Кексайиш ва кексалик муаммолари умумжаҳон аҳамиятига эга бўлмоқда. Бунда кексайиш жараён сифатида, кексалик эса унинг ҳолати ва донишмандлиги деб тушунилмоқда. Кексайиш жараёни шахнинг ўртача ёшдан катта ёшлилар гуруҳига ўтиши билан характерланади. Жамият учун эса демографик, ижтимоий ва сиёсий тузилиш жиҳатидан умумийлик касб этади. Кексалик-нуронийлик ҳар қандай организм ривожининг сўнгги, аммо тугалланмаган босқичидир. Кексайиш барча жараёнлар каби бир қанча босқичдан иборат. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти учта хронологик босқични белгилади: 60 ёшдан 74 ёшгача кексалик, 75 ёшдан 89 ёшгача қариллик, 90 ёш ва ундан катта ёш — узоқ умр.



Рашид Галиев олган суратлар.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб билладиган, унинг раънақи учун ҳисса қўшиб келаётган ҳар бир нуроний ва фуқаро бундан бун ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ардоғида бўлади.

Миллатлараро дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжихатлик ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч имкониятларимизни сафарбар этамиз".

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улғу одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маънавий-маърифий ва сиёсий-хуқуқий даражасини белгилайди, десак янглишмаган бўламиз. Ўзбекиона айтганда, нуронийларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган! Мамлакат раҳбари бундай дейди: "Бир ўйлаб кўрайлик, "Қариси бор уйнинг париси бор", "Қариялар — хонадонларимизнинг файзу ва фаршаси" деган мақол ва ҳикматли сўзларимизда қандай чуқур маъно бор. Ҳақиқатан ҳам, қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу оиллада, албатта, файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз".

Ўтган йил нуронийларга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг ҳаётини янада мазмунли ва завқли ўтказишга қаратилган хайрли ишлар қўлами ниҳоятда кенг тарзда кенди. Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 8 июндаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори нуронийларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш, ёши улғу инсонлар, айниқса, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ҳамда тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда уларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилди.

— Бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар, микдорини минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқдик. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 миң оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, буғунга келиб 2 миллиондан ортиқ оиллага кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса 7 баробар кўпайтирилиб, йилга 11 трлillion сўмга етди. Биз иш ҳақи, пенсия ва нафақалар микдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сибсатини изчил давом эттирмамиз, — дея таъкидлади Президентимиз Мурожаатномада.

НУРОНИЙЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА БУЮК ХАЛҚИМИЗ КУЧ-ҚУДРАТИ БИЛАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Фикримизча, кексаликнинг аниқ, умумжаҳон стандарти бўлиши мумкин эмас! Зеро, кексаликни даврларга бўлиш муайян мамлакатлардаги ўртача умр давомийлиги билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиши мумкин. Чунонин, мамлакатимизда ўртача умр кўрсаткичидан келиб чиқиб, ушбу босқичларни аниқласак. БМТнинг Статистик бюроси ва аҳоли бўлими ҳамда миллий статистик ташкилотлар маълумотларига кўра,

ўртача умр давомийлиги Европада эркаклар орасида — 71 ёш, аёлларда — 79 ёш, дунёда шунга мос равишда 64 ва 68 ёшни ташкил этади. Ўзбекистонда ўртача умр кўриш 73,5 ва 76 ёш бўлиб, куйидаги босқичларга мос келади: кексалар — 60-69 ёш (2 200 000 киши), қариялар — 70-84 ёш (950 000 киши) ва узоқ умр кўрувчилар — 85 ёш ва ундан катталар (74 000 киши).

Улар орасида Иккинчи жаҳон уруши

қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Демак, ёш йилларини даврларга бўлишда ҳам мазкур фарқи ҳисобга олиш зарур. Мамлакатимиз ҳисоб-китоб тўпламларида 54 ёшдан ошган аёлларни кексалар гуруҳига киритиш юридик асослардан ташқари (нафақага тайёрлаш) бошқа далилларга эгадир. Эркаклар учун кексаликнинг қуйи ёш чегараси (60 ёш) ижтимоий-иқтисодий, илмий-амалий ва маданий омиллар таъсирида доимо юқорига сурилади.

Ҳар қандай жамиятда кексаларга муносабат ёшларга бўлган муносабатдан фарқланади. Жамият, асосан, ёш авлодининг ижтимоийлашувига кўп эътибор беради. Бундай ҳолатда иккала авлодга ҳам дуалистик ёндашиш катта аҳамият касб этади. Бирок бунда кекса ёшдаги гуруҳлар учун шароитта мослашиш муаммоси юзага келади ва бу улар учун жуда муҳим ҳисобланади. Албатта, уларга меҳр-муруват кўрсатиш, зарурий ҳолат ва жараёнларни яратиш давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида ўз аксини тўлалигича топди: "Ҳаётимизнинг файзу фаршаси бўлган дуоғўй оталаримиз, онахонларимизнинг сихатохларда саломатлигини тиклаш, уларга маҳалла ва жамоат масканларида қўшимча шароитлар яратишни давом эттирмамиз.



ТАЪЛИМ

Ўқувчиларимизнинг 50 фоизи нуфузли ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Зафаржон ШОВРИҚОВ, Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби директори

Бола ниҳолга ўхшайди. Уни фақат меҳр билан парваришлаш лозим. Ота-онаси ва мактабдаги устозлар унга худди қўбондек ғамхўрлик кўрсатса, боғтанларидай ўлиб-ўсади, мева беради, атрофдагиларга нафи тегади. Шу маънода, таълим-тарбия масаласи мамлакатимиз сиёсатининг барқарор ва узвий қисми саналади. Бунга Янги Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, халқаро стандартларга интеграция қилиш, меҳнат бозори талабига мос кадрлар тайёрлаш ҳамда Учинчи Ренессанс госясини рўйбга чиқарадиган зукко авлодни улғайтириш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислохотларда яққол кўраимиз.



Тил ўрганиш маркази, кутубхона, ўқув ва спорт заллари йигит-қизлар ихтиёрида. Кунинг биринчи ярмида дарс машғулотлари билан банд бўлишса, иккинчи ярмида ҳар бир синф ўз тарбиячиси етакчилигида турли тадбирларда қатнашади. Қизиққан соҳалари юзасидан тўғрақларда шугулланади.

"Таълим сифати назорати доимий эътиборимизда" тамойили устуворлигига эришяёмиз. Жорий ўқув йилининг икки чорак кўрсаткичи кўнгилдагидек бўлди.

Фан олимпиадасининг вилоят босқичида хорижий тил бўйича иштирок этган 28 ўқувчимизнинг 8 нафари фахрли ўринларни эгаллади. Гулёра Тўйчиева, Диёра Валижонова, Аббор Арслонов, Дониёр Нетьматов, Мухлиса Собирова биринчи ўринга муносиб деб топилди ва инглиз, немис, француз тилларидан республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Аслида, ўқувчиларимизнинг бари маррани банд олган. Беш йил ичида бир неча хорижий тилларни пухта ўзлаштиришни ният қилишган. Олий таълим муассасаларига имтиёзли кириш учун устозлари ёрдамида астойдил интилишмоқда. Ҳозирданок уларнинг изланишлари самараси кўзга ташлана бошлади. Битирувчиларимиз юз фоиз халқаро ва миллий сертификатга эга бўлди. 10-синф ўқувчиларимизнинг савқиз нафари бир йил аввал шундай гувоҳнома, яна уч нафари инглиз тили ва математика фанларидан SAT, 12 нафари корейс тили фанидан Торис сертификатлари соҳибига айланганди.

Очигини айтганда, бундай сертификатлар олий ўқув юртлири талабалари сафига ўтишни кафолатловчи ҳужжатлардир. Айни пайтда фахрланишга арзийдиган хушхабар бор. 11-синф ўқувчиларимизнинг ўн нафари, яъни қарийб эллик фоизи мuddатидан илгари халқаро нуфузли олимпиадаларнинг талабаси бўлишга улғурди. Бирок бу илк марта эмас, битирувчиларимиз ҳар йилги аънавий муваффақиятларининг намунаси давомидир.



Халқимизнинг "Шоғирдлар камоли" — устозлар жамоли" нақлини назарда тутсақ, ўқувчиларимизнинг қувончли натижалари ўқитувчиларимиз сифатли билим бераётганининг исботидир. Эътиборлики, олий тоифали ўқитувчиларимиз ҳам ҳамиша изланади, онлайн танловларда ўзлари синиб қўришдан сира қўчимайди. Масалан, француз тили ўқитувчимиз Валижон Мамажонов Франция элчихонасининг малака оширишга доир икки ҳафталик грантини ютиб олди. Ўтган йилнинг июлида туристик шаҳар Франкофонияда бўлди. Дунёнинг 90 мамлакатидан ташриф буюрган ҳамкасблари ўртасида ўзбек маданияти тақдиротини ўтказишда

фаоллик кўрсатди. Корейс тили ўқитувчиси Назира Хўжаназарова Жанубий Кореянинг Пусан хорижий тиллар университетига июль-август ойларида беш ҳафталик семинарда, инглиз тили мутахассиси Адиба Парпиева сентябрь-октябрь ойларида медиа саводхонлик йўналиши ғолиби сифатида Америка Қўшма Штатларининг Висконсон университетига олти ҳафталик малака ошириш курсида ўқиб қайтди.

Ўқитувчиларимизнинг ижодкорлигига ҳам ҳавас қилса арзийди. Инглиз тили муаллимиси Барноҳон Нетьматованинг "Чет тили ўқитишда лойиҳа дарслирининг ўрни, аҳамияти ва уларни режалаштириш" мавзусидаги мақоласи АҚШдаги

"International journal of pedagogs" халқаро журналида чоп этилди. Она тили ва адабиёт фани мутахассиси Роҳила Воҳидова Тошкентдаги "Иждоқор ўқитувчи — 2022" анжуманида фаол иштирок этди. "Маҳоратли педагог" журналида "Фузूलининг ҳаёти ва ижоди" мавзусидаги илмий-услубий мақоласи ёритилди. Олий тоифали инглиз тили, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Шўҳрат Исмоилжонов, Муяссар Боқижонов касбдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак.

Исҳоқхон Ибратни "Луғати ситтати алсина" ("Олти тилли луғат")ни яратган улғу тилшунос сифатида яхши биламиз. Мактабимизда ҳам болалар олти тилни ўрганиш ва иштиқларни жуда юқори. Шунинг ҳисобга олиб, келгусида билим даргоҳимиз мактабимиз янада кўтаришни ният қилганмиз. Яъни "International Baccalaureate" халқаро мактаблар қаторига қўшилиш учун тайёрлиқни бошлаб юбордик. Халқаро мактаблар кенгашининг Марказий Осиё бўйича вакили "Mechail Caddy" кўмагида асосий талабаларни бажаришга киришдик. Яқин орада ўқувчиларимизга хорижий тилларни ўрганган бақалар бўлиб етишишлари учун имкон туғдирсақ, ажаб эмас.

Янги очилган Наманган давлат чет тиллари институти билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатганмиз. "Ёш таржимонлар" тўғраги аъзолари мазкур олий ўқув юрти устозларининг маҳорат сабоқларидан баҳраманд. Керакли ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалардан фойдаланяпти.

Сифатли таълим жамиятни юксалтиради. Ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал даражаси қанчалик ўсса, уларнинг Ватан тараққиятига қўшадиган хиссалари шунчалик кўпаяверади. Педагогик жамоамизнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги ўта муҳим вазифа — масъулиятни ёдда тутган ҳолда, мақсад сари оғшмай олға интилишдир. Зеро, тезкор давр шуни тақозо этапти.

ОМОН МАТЖОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

“ЭНДИ УЛ ОЙ ҲАЖРИ ҲАМ АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС...”



Баҳодир КАРИМ, Ўзбекистонда қизмат кўрсатган ёш мураббийси, адабиётшунос

Омон Матжон замонавий ўзбек адабиётини ўзининг гўзал, бетакрор шеърлари билан бойитди. Шеърят гулшанидан ҳаётбахш шабдалар елади, тириклик нафаси келади. Эслимиз: ХХ асрнинг 80-йилларида шоирнинг “Ғаплашадиган вақтлар” шеърӣ кассиси шухрат топди. Аниқ сана: 1986 йил 17 декабрь куни “Ғаплашадиган вақтлар” — кўнғир муқовали ихчам китоб ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети талабалари хузурида муаллиф иштирокида муҳокама бўлган эди. Китобнинг ич муқовасидаги қайдим шундай.

Биринчи курс талабаси эдим. Дарвоқе, “Ғаплашадиган вақтлар” — бу жуда муҳим бирикма-тушунча. Қачон Ғаплашамиз? Ғаплашишга имкон борми? Одамдод шошқин ва аҳли шуаро тошқин келади. Қачон бемалол ва сокин бир вазиятда Ғаплашиш мумкин? Баҳарнав, бу оламни тарқ этган, Аллоҳнинг даргоҳига етган оддий инсон билан Ғаплашиш қийин. Биласиз. Аммо шоирлар, ёзувчилар — ижод аҳли билан ҳаммаша Ғаплашиш мумкин. Унинг китобларини қўлга олган маҳали “Ғаплашадиган вақтлар” учун имкон пайдо бўлади. Дилбар, лирик гурунлар бошланади беихтиёр... Дарҳақиқат, бугун Омон Матжон билан шеърлари орқали Ғаплашамиз. Унинг дардини, қалбини, ўғитлари ва ҳикматларини англаймиз ва беихтиёр шоирни ўзимизнинг ёнимизда ҳис этамиз. Тирик сўз мерос қолдирган шоир ўлмайди. Сўзи амалига уйғун яхши шоирларнинг юрак сўзлари боқий.

Омон Матжон исми ўзбек шеърятини муҳибларига ярим асрдан кўпроқ муддат давомида йўлдош бўлди. Унингча: “Шеърят — ҳамманинг ўзи, ўзлиги”дир. Бу шоир номи қанчадан-қанча шеърларнинг қалбига нақшланди. Яхши инсон, тўғриси ва виждонли шоир унутилмайди. Агар Омон Матжон шеърлари баҳайбат ва ўткир кўзга ўхшатишса, бу кўз оламга Хоразм деган вужуд даричасидан қараётгандек бўлади. Шоир қадим Хоразмни “башар тарихида мангу хазина” деб билади.

“Эй, сирли диёр, Хоразм, Эй нурли шоир, Хоразм. Неча эврилган тарихнинг Сенда расми бор, Хоразм... Жаҳон алжабиринда номинг Ҳар дафъа тақор Хоразм...”

Омон Матжон шеърятини деган тушунча донишманд Хоразм тупроғининг маънавий-шеърӣ об-ҳавосини жуда кенг миқёсда намоён этиши билан индивидуал мазмун касб этади. Ҳар қандай давр ва даврада бу шоирнинг борлиги “эсар Жайхун шамоллари” дегандек барчанинг қалбига эл-юртининг хушхаволирини олиб киради. Агар бадий дунё адабиёти улкан ва бепеён уммонга ўхшатишса, Омон Матжон бу уммонга она дарё — Аму орқали келиб қўйлаётгандек бўлади. Шоирнинг “Амударё — мангу муҳаббат, Амударё — абадий ҳижрон”, деган мисралари бор. Қўшимсра ортида катта бир халқ ривояти яширинган. Муҳаббат ва ҳижрон жуфтлигини англаш, дарё ва кумлоқ рамзлари моҳиятини тушуниш учун “Амударё изтиробини” ни англамоқ керак.

Омон Матжоннинг ҳайбат билан, сокинлик билан, ора-орада эркаланиб, имо-шораларини ҳаяжонига улаб шеър ўқишдаги кайфияти Амударёнинг қирғоқларига урилиб, тўлиб оққан палларларини эсга солади. Амударёдан шоирга илхом берадиган хотира оқади.

“Олисдаги ёр васли бир-бир эсинга тушса, Ошиқлар ечолмаган бир сир эсинга тушса, Қирқ йил дарёда оққан Тоҳир эсинга тушса, Санам деб Ғариб кечган вафони кўрмоқ бўлсанг, Бор Аму бўйларига, борин, дустинам”.

Шеърнинг охириги мисрасига урғу бериш Омон Матжон шеърятига ҳам хос. Агар кимнинг ёдига Хоразм тушса, бу элни ташнаганиб соғинса, айна юртнинг кўрки, таровати, санъат аҳли, нозу неъматлари эсига тушса, Омон Матжон шеърятини булоғидан бир қўлтум ичиб чўлини қондириши мумкин.

Омон Матжон файласуф шоир ўлароқ шеърлари мағзига ҳикмат жойлайди. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам “Ҳикмат мўминнинг йўқотган нарсасидир, мўмин киши уни қаерда топса ҳам олади”, деб айтганлар. Ҳикмат ижодкорнинг фаҳми, фаросати, идроки, тафаккур тарзини кўрсатади. “Елгоннинг тахтадаги юз йил даврони, Ҳақиқат айтилган бир дамча йўқдир”. “Нафс, бу — абадий қулликнинг боши...”. Бу ҳикматлар мақол китобларидан олинган иқтисодлар эмас, бу ҳикматлар шоирнинг ўз адабий идроки билан англаган ҳаёт ҳақиқатларидир. Шоирнинг қўшиқ бўлиб қуйланган шеърлари ҳам кўп.

“Умр ўтар, вақт ўтар, Хонлар ўтар, тахт ўтар, Омад ўтар, бахт ўтар. Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Сенинг юришларинг, сенинг қулишларинг.

Баҳорда бог на гўзал, Қор тушса тоғ на гўзал, Бу ёшлик чоғ на гўзал, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Сўзсиз қарашларинг, ҳолим сўрашларинг.

Ой чиқар гоҳ заҳоли, Дўстлар кўпдир вафоли, Ҳаёт шундан сафоли, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Сокин сўзлашларинг, пишхон излашларинг.

Умр — йўл, қайрилиш кўп, Учрашиш, айрилиш кўп, Унутутиш, айтилиш кўп, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Уша қулишларинг, уша келишларинг...”

Омон Матжоннинг бу шеъриндан бирор қисмини олиб, парчалашдан тийилдим. Изтиробли, ишқли, соғинчли, маънили, ҳикматли ҳар бир мисра бир неча ўн йилки, ҳали-ҳамон улкан ҳофизлар овозида қўлогимиз остида жаранглаб турибди. Шеър бизнинг ёшлик хотираларимиз билан эгизак. Қўшиққа айланган мисралар ҳамон юракини ўрттайди; алланимадир — балки моддийлашган соғинчли бир туйғу томоққа келиб таққа



тиқилгандек бўлади. Ҳар ўқилганида оламшумул ҳаётӣ ҳикматларга тўла шеър ҳали-ҳамон кирин, мавжли ва гўзал хотираларни элақдан ўтказди.

Гарчанд Омон Матжоннинг шеър ўқиши — ижросида хоразмча оҳанг етакчилик қилса ҳам, шеърларида шева сўзларига ортикча ўрин бергани йўқ. Холбуки, у хоразмликларнинг тили, кўнгли ва дилининг чинакам билимдони эди. Омон Матжон шеърятини хоразмча сўзлар онда-сонда, адабий тил ҳазми кўтарган миқдорда, меъёрида учрайди. Шеърда шундай бир вазиятлар бўладики, айнан ўша мисрада Омон Матжон атай ва ёки шеърнинг техник талабларига кўра, қўлланган хоразмча сўз узукка қўйилган биллур кўздек энади.

“Созчи тамбури тузди, Дулдуд арқонини узди. Дағиш қирғоқни бузди. Дарёга ким етказди Нера боражагимни!”.



Бу “ҳазил лапар”дан парча: инжа ва нафис. “Дағиш” — дарё қирғоғига тегиб, ўпириб кетадиган шиддатли оқим. Академик Матқуб Қўшоновнинг ҳаёт йўлидаги шундай беаёв оқим тўлкини борасида хикоя қилган хотира китобига зукко сўзшунос Маҳмуд Саъдий “Дағиш” деб ном қўйиб берганидан хабарим бор. Узр, гапим чалғимасин — у бошқа мавзу. “Нера”сўзи — не ерга, қаерга маъносиди. “Боражагим” — тушунарли. Бир сидра назар ташлаганимда, Омон Матжоннинг “турвак” (қовун нави), “чўғул” (чақимчи), “дов” (набат), “қисликди” (сиқилди), “ёзғит” (мангайдаги битик маъносиди) каби қатор сўзларига дуч келдим.

Омон Матжон сўз устида суҳбатлар қуради. Тўғриси, ўқувчилик йилларимда ойнаи жаҳон орқали кўриб таниганим Омон Матжон ўша палладаги кўрсатувда ҳам сўз ҳақида сўз юритмоқда эди. Эслиман: у “бўғат” деган сўздан гапирар эди. Изохли лўғатлардан ўрин олманган хоразмча “бўғат”нинг маъноси шукӣ, ариқ-солмақлардаги сувни тўсиб қўядиган лой ёки шох-шабаба аралаш тўсиқ. Улкан ёл-арналарга қурилган катта тўғонга ҳам “бўғат”ни қўллаш мумкин. Сўзинг кўчма маъноси ҳам бор, шўро замонда ижодий эрксизлик масаласида, дейлик, шундай “айрим мавзулар олдига бўғат босилган эди”, тарзида бемалол кўлласа бўлади. Ҳа, дарвоқе, сўз очмаслик керак бўлган мавзулардан Омон Матжонлар авлоди йўлини топиб сўз очди. Сўз олдига қўйилган сунъий бўғатларни ўзларининг тошқин сўзлари — маҳорати билан кўк парчин қилди. Уша авлод тарихий ҳодисалар ва халқ ривоятлари воситасида ўзликдан сабоқ берди... Омон Матжоннинг “Ҳаққуш қичқирғи” туркумидаги оғиздан-оғизга кўчиб, айтиб юриладиган ривоятлар, афсоналар, ҳақиқатлар — буларни кўпчилик билар эди. Аммо йўлини топиб, фақат Омон Матжонгина ўзига хос йўсинда уларни шеърятини таркибига жойлади. Шоирнинг бор ҳақиқатни, ўз миллий-маънавий қадриятларини англаши ва уларни шеърини мисралари қабатига жойлаши — бу бебаҳо фазилат.

“Мен воҳа ўғлиман, талабим — кенглик, Эркин ҳаволарда тўқийман шеърлар. Бор бўл, маъно қадар ёрқин бўлган сўз, Бор бўл, уфқ оша йўллар ва ерлар!”

Омон Матжон яқин тарихдаги қалтис замонларда ҳам ўзлигини таниган ва ўзлигини таниган шоир сиёқда шухрат топди. “Мен қандай муҳитда ким билан бўлмай, Рўҳим доим уйғоқ ва йўлга тайёр”, деб ёзди у.

Омон Матжон гоҳида ҳаётнинг шундай митти бир парчасини — арзимасдек кўринган воқеани шеърга солади ва ундан катта бир ҳаётӣ-фалсафий ҳулосалар чиқаради.

“Дарактларнинг ҳулқи ғалати, Майна қилар кўёшни улар: Ёзда роса иссиқ кийиниб, Қишда эса... яланғоч турар”.

Шеър шу тўрт қатордан иборат. Бундай ғалати ҳулқни, ўзаро тескари пропорционал ҳолатни шоирларнинг ҳайрат кўзлари кўради, холос. Омон Матжоннинг лирик меросида сюжетли шеърлар бор. Қойилмақом қилиб ёзилган бундай шеърларга ҳам шоир ижодининг нақши, безаги сифатида қараш ўринли.

Омон Матжон барпо этган шеърят боғининг тотли мевалари бор. Айниса, олма. Олма — покиза муҳаббат рамзи.

“Ўртамизда биргина олма — Олам ичра юмалоқ илинж. Ўртамизда биргина олма — Балки ғам у ё балки севинч.

Ўртамизда биргина олма, Ярим қизил, Ярим оч-яшил. Ҳаё тўғнидан қизил у, У соғинчининг рамзидир асил...”.

ОМОН МАТЖОН ШЕЪРИЯТИ ДЕГАН ТУШУНЧА ДОНИШМАНД ХОРАЗМ ТУПРОҒИНИНГ МАЪНАВИЙ-ШЕЪРИЙ ОБ-ҲАВОСИНИ ЖУДА КЕНГ МИҚЁСДА НАМОЁН ЭТИШИ БИЛАН ИНДИВИДУАЛ МАЗМУН КАСБ ЭТАДИ. ҲАР ҚАНДАЙ ДАВР ВА ДАВРАДА БУ ШОИРНИНГ БОРЛИГИ “ЭСАР ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ” ДЕГАНДЕК БАРЧАНИНГ ҚАЛБИГА ЭЛ-ЮРТИНИНГ ХУШҲАВОЛАРИНИ ОЛИБ КИРАДИ.



Инсон қалбидаги рўҳоний ҳислар ҳаммаша ораста, тоза, пок бўлмоғи керак. Чунки “нафс ипига боғлидур рух ипларин узган тана”. Инчунин, маънавий-рўҳий кайфияти юксак одамнинг юрагидаги бебаҳо муҳаббат туйғуси “хаё тўғни”дан қизаради. Ишқ — ичдаги шодлик қайғуси. Ишқ-муҳаббат ўз кўрку жамолини ифбат ва ҳаё либосига ўраб, азал-азалдан “соғинч рамзи”га дўниб келади.

Омон Матжоннинг лирик қаҳрамони ўз ишқ иқродан иймананда, тортинади. “Мен ишқимни айтолмасам ўзинга”, деганича у қалб сирини булутларга, тоғларга, дарёларга сўзлайди. Ошиқ дарди табиат унсурларида жонланади. Фурсат пойлаб ошиқ ўз дардини “Виждир-виждир қалдирғочга айтади”. Бу ҳам ошиқ-шоирнинг кўнгли асрорини айтиш усули, албатта. Ери эса “ғунчадек қисиниб”, ифбат пардаси ортида туриб: “Анавилар бор-да, ўшалар...”, дейди ва гапини охиригача айтишдан адашади ёки айта олмайди иймони.

Омон Матжон шеърӣ мисралари гоҳида Хоразм “Лағзи”сидек дилбар ва ўйноқи.

“Боқиб ҳар ён ўйноқи Қочсин ёмон, ўйноқи, Замон-замон ўйноқи, Омон-омон, ўйноқи!”

Шеър оҳанги хоразмча куйга мос — шитобли, шўх ва у ҳеч сездирамасдан жонсиз вужудга жон киргизади гўё. Мудроқ ҳужайраларни уйғотади. Яна бир хусусият, Омон Матжон шеърларида ора-орада ўз исмини тажнис ўлароқ



сездириб-сездирмай қўллаб ўтади. “Дамлар шиквасига учма, омон бўл”, “Тили омон бўлса ўлмайдил миллат”, дегандек ёки “Тонгининг тиниқ дурларини тун чангалдан омон олиб чиққанидан — покман, омонман...” каби анча ўринларда сезилади. Ва бу шеърӣ санъат ўқувчига завқ беради.

“Дўсту ёр, юрт омонми, Омон, сен ҳам омон бўл, Эл ҳамма яхши бўлса, майли, сен бир ёмон бўл, Лекин сен нур томон бўл, сен адалат томон бўл, Кўнглинг бирдир — агарчи ошонси турли-турли, Умринг шундан гўзалдир, навоси турли-турли”.



Шоир қўллаб шеърларида ўзбекнинг фахри бўлган бухорийлар, самарқандийлар, шойийлар, фаргонийларни эсга олади. Баъзан шоир Хоразм алломалари, миноралари, қадим гиштлари ва асрий тарихни сўзлаб турган Хива борлиғига, унинг “Ичон” билан “Дишон” қалъаси устига маъно юклайди:

“Азалӣ беомон бир ҳукмдир бу: Одам — Дишон қалъа, орузси — Ичон! Оз яшаб кўп мушук кўрса ҳамки у, Рўҳин қолдирмоғи мумкиндир омон.

Мен бугун Хивада виқорли турган Асрий ёдгорлардан туйранган маъни, Дедим: умр ҳикматин бобондан ўрган, Асрамқоқни ўрган Ичон қалъани!”.

Агар адабиёт олами кўзимизга яшил маъво бўлиб кўринса, бу оғочлиқлар орасидан Омон Матжон шеърларини образ ўлароқ безайдиган муҳташам гужумларни ҳеч қиналмасдан топиш мумкин. Шоир бир ўринда “Қорақумда нур йийб, жазира тўқир офтоб, Воҳа кенгликларидеа гужумлар битар китоб”, деб гужумларни қотибга айлантиради. Бошқа бир шеърда “ёз оловидан, қиш соғувидан” қайғуга тушган кўшлар бахти учун “чўн гужумлик”ни кўриб қувонади.

Кичик бир хотира: 2012 йили баҳори эди. ЎзМУ ўзбек филологияси факультетида Омон Матжон билан учрашув бўлди. Айнан ман ушу аудиторияда чорак аср муқаддам “Ғаплашадиган вақтлар” китоби тақдими бўлганини, у палла биз талаба бўлганимизни эслатсам, Омон Матжон ўзда йўқ шодланиб, “ишишган”-дек эрка қилиқлар қилиб талабаларни кўлдирди. Кейин “Дийдор азиз” китобидан шеърлар ўқиди. Илгунда профессор Умарали Норматов домла қатнашди. “Омон Матжон ижодида фақат замонаси, ўз юрти воқеа-ҳодисалари, тенгдошлари дарду ташвишлари изҳори — ифодаси билан чекланмайди; кечмиш, тарихий сиймолар таъсири ҳам ижодида салмоқли ўрин тутади. Омон — жаҳонғашта шоир, унинг сафар таассуротлари асосида битилган туркум шеърлари ҳам маъжуд”. Шундан кейин Омон Матжон 80-йилларидаги хориз сафаридан гап очди. Эслади. Чет элдаги битта бўкун эгаси келган сайёҳларга дунё харитасини кўрсатиб, ундан ўз юртини топиб, унга иена санчиш “маросим”ини ўтказар экан. Шоир ўша паллада шундай ҳам юртининг юраги парқанди бўлиб ётганини мезбонга эслатиб, Ўзбекистонни харитадан кўрсатиб, иена санчиш “маросими”дан ҳақли равишда бош тортибди. Шоирнинг айни қилмишини гурунланган сезилади. Шу мунсабат билан:

“...Юртимнинг қалбини бир бор кўрсайдиг, Найзалар ўрнини, минглаб битмаган. Доро, Исқандарлар тиг ўрган унга, Энди мен санчишим гўё етмаган...”, дея яхши бир узун шеър ўқиди...

Шоир ажойиб ҳофиз Отажон Худойшукурова бағишланган шеърда дўстини “учинчи дарё” ўлароқ рамзлаштирган эди. Тўғри, бу элда Сир бор. Аму бор. Бирок бу элнинг ҳар бир хушнаво ҳофизини, истеъдодли шоирини ўз ижоди билан ҳаммаша учинчи дарё бўлиб адабиёт, санъат ва маърифат ахлининг қалбига кириб боради. Учинчи дарё ўлароқ яхши инсонлар қалбига мавжланади.

Дил рангини гулларга пойлаган-улашган шоир “Дилимнинг рангини гул билса бўлди, Менинг қиллигини эл билса бўлди”, дейди. Унинг салобатли, мағрур ва рубобий шеърӣ сўзи “фазлу камол”нинг овози ўлароқ ҳар доим ўз мухлисларини безовта қилади:

“Чарх авзойи бу дам аввалгиларга ўхшамас, Котибу давру рақам аввалгиларга ўхшамас. Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас, Кўнглим ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас...”.

Омон Матжоннинг истеъдодли ижодкор сифатидаги адабий шахсияти, сиймоси, адабий мероси шундай “ўхшамасликларини” билан ша-рафли, қадри ва муҳими.

Тўғриси, Омон Матжон ва унинг овози, шеър ўқиш услуби, сўзи ва, умуман, ўзи “аввалгиларга ўхшамас” — ўзича бир олам. Бу ардоқли шоир, табиийки, кейингиларга ҳам ўхшамайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
14119 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилнинг:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎЗА яқуни — 00:20 Топширилди — 01:05